ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

Проект

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNI
Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисида
QL-668/21-2

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисида

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш билан боғлиқ жамоатчилик билан муносабатларини тартибга солади, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш ва фаолият юритиш, уларга аъзолик (иштирок этиш) ва уларнинг ҳуқуқий мақомини, давлат томонидан тартибга солиш механизимларини белгилайди.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан таътбиқ этилади.

3-модда. Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ушбу Қонун нотижорат ташкилотларига нисбатан улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига таътбиқ этилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

шахсий манфаат - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзосининг, (иштирокчиси), ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг бошқарув органлари аъзоси бўлган, меҳнат ёки фуқаролик шартномаси асосида иш юритувчи шахсларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ва (ёки) унинг аъзолари (иштирокчилари) нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган моддий ва (ёки) бошқа манфаатлари;

профессионал фаолият – жисмоний шахснинг махсус машғулотлар орқали орттирилган юқори назарий билимлар, амалий қобилият ва кўникмалари ҳамда иш тажрибасини талаб этувчи фаолияти;

профессионал фаолият субъектлари – профессионал фаолият билан шуғуланувчи жисмоний шахслар

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот – тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий аъзолигига (иштирокига) асосланган Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ассоциация (иттифоқ), жамоат бирлашмаси ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нотижорат ташкилот.

Давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ соҳаларида ёки давлат органлари томонидан бажариладиган айрим функцияларни топшириш зарурати пайдо бўлганда тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга мажбурий аъзо бўлиш ҳолатларини назарда тутиши мумкин.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар - бу ушбу қонун назарда тутилган мақсадлар учун ташкил этилган, аъзоликка асосланган, тадбиркорлик фаолияти субъектларини маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш саноатининг бирлиги асосида бирлаштирган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бозори ёки субъектларни маълум бир турдаги профессионал фаолиятни бирлаштирган фаолият туридир.

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қоидалари ва стандартлари - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ва унинг аъзолари (иштирокчилари) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайдиган ҳужжат;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот устави - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) томонидан ягона ва мажбурий тамойилларни, уларнинг товарлари (ишлари, хизматлари) учун хусусиятларни ва фаолият турини белгилайдиган ҳужжат.

ўз-ўзини тартибга солиш - тадбиркорлик ёки профессионал фаолият субъектлари томонидан амалга ошириладиган ва мазмуни ушбу фаолият учун стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва белгилашни ўз ичига оладиган, шунингдек ушбу стандартлар ва қоидалар талабларига риоя этилишини назорат, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қилишдан иборат мустақил
ва ташаббускор фаолият.

компенсация фонди – ўз-ўзини бошқариш ташкилотининг, унинг аъзоларининг (иштирокчиларининг) истеъмолчилар ёки бошқа шахслар олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида амалга ошириладиган кафолатли тўловлар бўйича ўз-ўзини бошқариш ташкилотининг шаклланган мол-мулки манбасидан йиғилган пул маблағлари

ўз-ўзини тартибга солиш субъектлари - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар аъзолари;

мустақил аъзо - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) ва ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ва унинг аъзолари (иштирокчилари) билан меҳнат

муносабатлари орқали боғлиқ бўлмаган шахс.

5-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳолати

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Ташкилот, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига ҳамда профессионал фаолият иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот жойлашган ери, агар ташкилот уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Ташкилот ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, аъзоларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

6-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ташкил этишнинг талаблари

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот - бу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ташкил этилган нотижорат ташкилотдир.

Қуйидагилар ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга нисбатан талаблар ҳисобланади:

1) агар ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот таркибида камида йигирма бешта тадбиркорлик субъектининг ёки маълум бир турдаги камида юзта профессионал фаолият субъектларининг аъзолари сифатида бирлашиш;

2) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган тадбиркорлик ёки профессионал фаолият учун стандартлар ва қоидаларнинг мавжудлиги;

3) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот томонидан ушбу қонуннинг 33-моддасига мувофиқ унинг ҳар бир аъзосининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) истеъмолчилари ва бошқа шахслар олдида қўшимча мулкий жавобгарлигини таъминлаши.

7-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари

Давлат ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

8-модда. Ўз-ўзини тартибга солишнинг турлари ва жорий этилиши

Ўз-ўзини тартибга солиш ихтиёрий ёки мажбурий аъзолик шаклида ташкил этилади.

Ихтиёрий аъзоликка асосланган ўзини-ўзи бошқариш, давлат бошқаруви билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган талаблари бўйича тадбиркорлик ва профессионал субъектлари фаолиятини белгилаб, уларнинг талаблардан юқори кўрсаткичларга эришишга ундайди.

Тадбиркорлик ва профессионал фаолият субъектларини ўз-ўзини тартибга солиш соҳасидаги мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ушбу Қонунда белгиланган тартибда давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ фаолият соҳаларида ёки давлат органлари томонидан бажариладиган айрим функцияларни топшириш зарурати пайдо бўлганда қўлланилади.

Мажбурий аъзолик (иштирок этиш) асосида ўз-ўзини тартибга солиш, жамоат бирлашмасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклида яратилган ихтиёрий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот учун тадбиркорлик ёки профессионал фаолият соҳасида жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакл белгиланади.

Тадбиркорлик ёки профессионал фаолият соҳасида мажбурий аъзоликка (иштирок етишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солиш, давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ соҳаларида ёки давлат органлари томонидан бажариладиган айрим функцияларни топшириш зарурати туғулганда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мажбурий аъзолик (иштирок этиш) бўйича ўзўзини бошқаришни ташкил этиш учун тартибга соладиган давлат органлари ҳужжат лойиҳасига нисбатан тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солишнинг таъсири бўйича таҳлил жараёнларини ўтказиши лозим.

Тартибга солиш таъсирни таҳлил қилишнинг асосий мақсади ўз-ўзини тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш ҳамда мажбурий аъзолик асосида, аниқ мақсадларга еришиш ёки аниқ белгиланган муаммоларни ҳал қилиш учун алтернатив тартибга

солиш ёндашувларини баҳолаш ҳисобланади.

Тартибга солиш таъсирини таҳлил қилиш мажбурий аъзоликка асосланган ўз-ўзини бошқаришни жорий этишдан олдин ва кейин ўтказилади.

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини бошқаришни қўллаш самарадорлигига ҳамда тартибга солиш таъсирни таҳлил қилиш натижаларига кўра, у жорий этилиши, бекор қилиниши ёки бошқа йўл билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Миллий ва Давлат хавфсизлик, мудофаа ва жамоат тартибини сақлаш соҳасида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар тузилиши мумкин эмас.

9-модда. Ўз-ўзини тартибга солишнинг асосий принциплари ва мақсадлари

Қуйидагилар ўз-ўзини тартибга солишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

маҳаллий товарларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш (хизматлар, сервислар);

маҳаллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш;

бозор муносабатлари иштирокчиларнинг истеъмолчилар олдидаги жавобгарлигини кучайтириш.

Қуйидагилар ўз-ўзини тартибга солишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

мустақиллик - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар фаолиятига давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг аралашишига йўл қўймаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунларида тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

қонунийлик - ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ барча манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда ўз-ўзини бошқаришни жорий этиш ва амалга ошириш;

тенглик – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг (иштирокчиларининг) ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тенглиги;

ўз-ўзини молиялаштириш – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўз фаолиятини аъзолик бадаллари ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар асосида молиялаштириш;

жавобгарлик - ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар томонидан ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ҳолда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг (иштирокчиларининг) харакатлари натижасида етказилган зарари учун учинчи шахслар олдида мулкий жавобгарликни кафолатлаш механизмларидан фойдаланиши;

фаолият шаффофлиги - манфаатдор шахслар учун маълумотларнинг эркинлигини таъминлаш орқали ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг максимал даражада очиқ фаолият юритиши;

ўзаро ёрдам ва манфаатлар ҳимояси – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг ўз аъзоларига (иштирокчиларига) ёрдам кўрсатиши, ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши;

Ихтиёрий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

бирлашиш эркинлиги – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотга шахсларнинг ихтиёрий

бирлашиши учун танлов (танлаш имкони);

соҳанинг умумийлиги – ишлаб чиқариладиган товарлар (иш, хизматлар), технологиялар, ишлаб чиқариш объектларини ҳаётий босқичларининг ўхшашлиги (ўхшаш ёки ўхшаш хусусиятлари) билан тавсифланадиган фаолият турлари билан бирлаштириб турадиган тадбиркорларнинг бирлашиши.

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

самарадорлик - ўз-ўзини тартибга солишни амалга ошириш фақатгина давлат томонидан белгиланган мақсадларга янада самарали эришишни таъминлаш шарти билан амалга оширилади;

такрорланишни истисно қилиш – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларига (иштирокчиларига) нисбатан икки томонлама назоратни истисно қилиш мақсадида давлат органлари ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ваколатларини аниқ белгилаш.

2-Боб. Ўз-ўзини бошқариш соҳасини тартибга солиш

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1) ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ҳужжатлари билан юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

11-модда. Назорат қилувчи давлат органларининг ваколатлари

Назорат қилувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

ўз-ўзини бошқариш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар реестрини юритиш қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ўз-ўзини бошқариш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва вазирлик ва идоралар орган билан келишади;

тартибга солиш таъсирини таҳлил қилади;

тегишли соҳада (саноат соҳасида) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар реестрини юритади;

мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоидалари ва стандартларини келишиб олади;

истеъмолчиларнинг Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилиги бузилиши ҳолатларига биноан низоларни кўриб чиқиш бўйича самарасиз фаолият олиб борувчи ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга нисбатан шикоятларини кўриб чиқади;

ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ўзаро алоқаси

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тадбиркорлик фаолияти соҳасида ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар ва уларнинг аъзолари (иштирокчилари) Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига мурожаат қилган ҳолларда, шунингдек халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, улар номидан вакиллик қилади, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий аъзолигига (иштирокига) асосланган ўз-ўзини бошқаришни жорий этишда, тартибга солувчи давлат органлари томонидан олиб бориладиган тартибга солиш таъсирини таҳлил қилиш хулосалари билан рози бўлмаган тақдирда, тартибга солиш таъсирнинг муқобил таҳлилини ўтказади;

тадбиркорлик фаолияти соҳасида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) ўртасида, шунингдек улар ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари аъзолари (иштирокчилари) томонидан ишлаб чиқариладиган товар (иш, хизмат) истеъмолчилари, бошқа шахслар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хакамлик хизматларини тақдим этади.

13-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрини юритиш

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ваколати ҳисобланади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестри қоғоз ва (ёки) электрон ташувчида сақланади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестри қоғоз ва (ёки) электрон шаклда юритилиб (реестрни юритиш усули Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади), бунда қоғоз ва электрон ёзувлар ўртасида фарқ мавжуд бўлган тақдирда, қоғоз ёзувларидаги шаклига устун мавқе берилади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг электрон давлат реестрини юритиш ушбу реестрнинг бошқа давлат ахборот тизимлари ва тармоқлари билан мувофиқлиги ва ўзаро таъсирини таъминлайдиган ягона ташкилий, услубий ва дастурий-техник тамоиларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрида жойлашган маълумотлари жамоатчилик учун очиқ ва шаффофлиги таъминланади.

Ушбу қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган нотижорат ташкилот тўғрисидаги маълумотлар нотижорат ташкилотнинг номи, солиқ тўловчининг идентификатори кўрсатилган ариза асосида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрига киритилади.

Нотижорат ташкилотининг рақами ва (ёки) асосий давлат рўйхатига олиш рақами, расмий веб-сайт манзили ҳамда қуйидаги ҳужжатлар:

1) нотижорат ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхалари;

2) нотижорат ташкилот уставининг нусхалари;

3) нотижорат ташкилот томонидан тасдиқланган, унинг аъзолари - юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

4) нотижорат ташкилотида ушбу қонунда назарда тутилган ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) истеъмолчилари ва бошқа шахслар олдида нотижорат ташкилот аъзоларининг жавобгарлигини таъминлаш усуллари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) ушбу қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган ихтисослаштирилган ташкилотларнинг нотижорат ташкилоти томонидан яратилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, бундай органлар тўғрисидаги низомларнинг нусхалари ва уларнинг ишларида қатнашадиган шахсларнинг таркиби тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари;

6) ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг стандартлари ва қоидаларининг нусхалари;

7) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот мақомини олиш учун бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Нотижорат ташкилот тўғрисидаги маълумотларни ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асослар нотижорат ташкилотининг ушбу қонуннинг 6-моддасида назарда тутилган талабларни бажармаслиги ҳисобланади.

Нотижорат ташкилот тўғрисидаги маълумотларни ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Маълумотлари белгиланган тартибда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг давлат реестрига киритилмаган нотижорат ташкилотлари "ўз-ўзини тартибга солувчи", "ўз-ўзини бошқариш" сўзларидан ва "ўз-ўзини тартибга солиш" сўзидан ҳосил бўлган сўзлардан фойдаланишга ҳақли эмас.

3-боб. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзоларининг (иштирокчиларининг) ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилган тақдирда улар билан муносабатларда уларнинг вакили бўлиш;

ўз-ўзини тартибга солувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича давлат органларига таклифлар киритиш;

давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, давлат хизматчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари бўйича судга шикоят қилиш;

низоларни суд ва судгача ҳал этишда, шу жумладан ҳакамлик судида иштирок этиш;

аъзолик бадалларини ундириш ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланмаган бошқа манбалардан ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот мулкини шакллантириш;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларини (иштирокчиларини), ходимларни аттестациядан ўтказишни, профессионал тайёргарлигини ташкил қилиш;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) учун мажбурий бўлган қоида ва стандартларни тасдиқлаш;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) томонидан ташкилотнинг қоида ва стандартлар талабларига, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) шартларига амал қилинишини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот уставида назарда тутилган ташкилот аъзоларига (иштирокчиларига) тегишли чораларни кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш;

ўз ишларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган функцияларни бажариши учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда олиш, давлат сири, тижорат ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ташкилот уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

15-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг мажбуриятлари

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг уставига ва у қабул қилган қоида ва стандартларга риоя қилиш;

товар (иш, хизматлар) истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини олдини олиш бўйича ўз ваколатлар доирасида чоралар кўриш;

аъзолар (иштирокчилар) ўртасида уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

аъзоларни (иштирокчиларни) пул тушуми ва сарфланиши тўғрисида хабардор қилиш;

ўзининг ва ўз аъзоларининг (иштирокчиларининг) фаолиятида ахборот шаффофлигини таъминлаш;

мажбурий аъзолик (иштирок этиш) асосида ўз-ўзини тартибга солиш масалалари бўйича ишлаб чиқилган қоидалар ва стандартларни Адлия вазирлиги билан келишиш;

ўз аъзолари (иштирокчилари) фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таҳлил қилиш, кейинчалик назорат қилувчи давлат органларига тақдим этиш билан ўзларини тартибга солувчи ташкилотга ҳисобот шаклида тақдим этган маълумотлар асосида амалга ошириш.;

назорат қилувчи давлат органига унинг аъзоси (иштирокчиси) томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қоидалари ва стандартларини

бузганликлари шунингдек, аъзоларга (иштирокчиларга) қўлланиладиган чоралар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг уставида ёки ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатда белгиланган тартибда етказиш;

истеъмолчиларнинг келиб тушган аризалари ва уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги етказиш;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ягона ахборот тизимига ўз аъзолари (иштирокчилари) тўғрисида энг сўнгги маълумотларни тақдим этиш;истеъмолчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги бошқа шахслар ўртасида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш бўйича органни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот уставида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг бошқа мажбуриятлари ҳам белгиланиши мумкин.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўз-ўзини тартибга солишда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган фаолият юритишга ва хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ўзининг ва ўз аъзоларининг (иштирокчиларининг) мажбуриятлари учун ушбу Қонуннинг 36-моддаси 1-бандида назарда тутилган мулкий жавобгарликни таъминлаш усулларидан бирини қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда ва ҳолларда жавоб беради.

16-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг қоидалари ва стандартларига қўйиладиган талаблар

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қуйидаги мақсадларни таъминлашга қаратилган барча аъзолари (иштирокчилари) учун мажбурий бўлган қоидалар ва стандартлтарни ишлаб чиқишга ҳақлидир:

аъзоларга (иштирокчиларга) қўйиладиган талабларни аниқ белгилаш;

унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва хавфсизлигини ошириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) сифатига нисбатан истеъмолчиларни иккилантирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

муомалага чиқаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш

мулкий жавобгарликни таъминлаш усулларини қўллаш;

аъзолар (иштирокчилар) манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоидалари ва стандартлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоидалари ва стандартларини қабул қилиш давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ўз-ўзини бошқариш субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш имкониятини истисно этмайди.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот қоида ва стандартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш соҳасидаги қонунчилигига, ишбилармонлик одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланган талабларга мос келиши, ўз-ўзини тартибга солишда манфаатлари тўқнашувини бартараф этиш ёки камайтириши лозим.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг қоидалари ва меъёрлари адолатсиз рақобатни, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмолчиларга маънавий зарар етказадиган хатти-ҳаракатларни ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг ишбилармонлик мавқеи ёки ташкилот аъзосининг (иштирокчисининг) ишбилармонлик обрўсига путур етказадиган хатти-ҳаракатларни олдини олиш талабларини белгилаши лозим.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг қоидалари ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг (иштирокчиларининг) жавобгарлиги ва уларни жалб қилиш тартибини кўриб чиқиши керак.

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоида
ва стандартлари, улар тасдиқлангунга қадар хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади.

Қоидалар ва стандартлар тўғрисида хулоса бериш муддати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Хулосани белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолатида, хулоса ижобий қабул қилинган деб ҳисобланади.

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоида ва стандартларини келишиш ёки келишишдан бош тортиш тартибга солувчи давлат органлари ва Адлия вазирлиги томонидан улар олинган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида амалга оширилади.

Адлия вазирлиги томонидан белгиланган муддатда жавоб берилмаган тақдирда, мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг қоида ва стандартлари келишилган ҳисобланади.

Қоида ва стандартлар ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг интернет-ресурсида жойлаштирилиши ва (ёки) Ўзбекистон Республикасида тарқатиладиган даврий нашрларда нашр этилиши керак.

Қонун билан муҳофаза қилинадиган сирлардан ташқари тўлиқ бўлмаган қоидалар ва стандартларни нашр этишга йўл қўйилмайди.

4-Боб. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг фаолияти

17-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотни ташкил этиш

Ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилади ва фаолияти тугатилади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асосда ва тартибда ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда тугатилиши мумкин.

Аъзоликни (иштирок этишни) олиш ва бекор қилиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот устави билан белгиланади.

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини бошқариш уларнинг аъзолари (иштирокчилари) сонига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

18-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот фаолиятини тугатилиши

Мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот тугатилган тақдирда, унинг аъзолари (иштирокчилари) уч ой ичида кириш тўловини тўламасдан, мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган бошқа ўз-ўзини бошқариш ташкилотига аъзо бўлишлари шарт.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот фаолиятини бошлаш, шунингдек фаолиятини тугатиш учун бу ҳақда назорат қилувчи давлат органига юбориладиган билдиришнома асос бўлади.

Билдиришнома Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ юборилади.

Билдиришнома юборилганидан кейин икки ой ичида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот назорат қилувчи давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Қонунда назарда тутилган маълумотларни ўз ичига олган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг устави;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг қоида ва стандартлари;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотда унинг аъзолари (иштирокчилари) ва бошқа шахслар томонидан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) истеъмолчилари олдида мулкий жавобгарликни таъминлашнинг бир ёки бир нечта усуллари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар реестридан чиқариш қуйидагиларга асосан амалга оширилади.

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш ёки ажралиш шаклида тузилган реестрдан ихтиёрий равишда чиқариб ташлаш ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари;

мажбурий аъзоликка (иштирок этишга) асосланган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот фаолият кўрсатадиган соҳада ўз-ўзини бошқаришни қайта кўриб чиқувчи ёки бекор қилувчи Ўзбекистон Республикаси қонуности ҳужжат қабул қилиниши;

икки ой ичида ушбу модданинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим қилмаслик;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот фаолиятини тугатиш ва реестрдан чиқариш тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотни ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар реестридан бошқа сабабларга кўра чиқаришга йўл қўйилмайди.

Назорат қилувчи давлат органининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотни ўз-ўзини

тартибга солувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисидаги қарори бўйича судга шикоят қилиниши мумкин.

Назорат қилувчи давлат органининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотни ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисидаги қарорига берилган шикояти ушбу қарорнинг ижросини тўхтатиб турмайди.

19-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари унинг устави ва таъсис шартномаси ҳисобланади.

Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот уставида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг номи, жойлашган жойи, мақсад ва вазифалари;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотга аъзоликка (иштирокчи бўлишга) қабул қилиш ва аъзоликни (иштирок этишни) тугатиш шартлари ва тартиби;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг ташкилий тузилиши;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот бошқарув органларининг тузилиши, шаклланиш тартиби, ваколатлари ва ваколат муддатлари, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг коллегиал органи жойлашган ўрни;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот органлари, аъзолари (иштирокчилари) ҳисоботлари муддатлари ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилиш тартиби;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот ва унинг аъзолари (иштирокчилари)нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан улар томонидан қабул қилинган қоидалар ва стандартларга риоя қилиш мажбурияти;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот мулкини шакллантириш манбалари, унинг мулкини бошқариш органларининг ҳуқуқлари;

бадаллар киритиш тартиби, улардан мақсадли фойдаланиш ва бу ҳақда ҳисобот бериш;

ўз аъзоларини (иштирокчиларини) пул тушуми ва сарфланиши тўғрисида хабардор қилиш тартиби;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тартиби;

ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби, у тугатилган тақдирда мол-мулкдан тақсимланиши тартиби.

Таъсис шартномаси - таъсисчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот яратиш бўйича биргаликдаги фаолиятини ўтказиш тартиби, унинг мулкини ўз мулкига ўтказиш (оператив бошқариш) шартлари ва унинг фаолиятида иштирок этиш белгиланадиган келишуви. Шунингдек, унда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот фаолиятини бошқариш, муассисларни унинг таркибидан чиқариш шартлари ва тартибини белгилайди, агар Ўзбекистон Республикасининг айрим турдаги нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Таъсис шартномасига таъсисчиларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис шартномаси барча таъсисчилар ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланади

Таъсис ҳужжатларида бошқа ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга аъзолик (иштирок этиш) учун чекловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа қоидалар назарда тутилиши мумкин.

20-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг реестри

Ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг реестри ушбу қонун талабларига жавоб берадиган ва ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот манбаи бўлиб, шунингдек, аъзоликни тугатган ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни хам ўз ичига олади.

Шахс ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзосининг реестрига 22-моддада назарда тутилган маълумот киритилган кундан бошлаб ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади.

21-модда. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари реестрининг таркиби

Ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилот аъзоларининг реестри қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзосининг рўйхатга олиш рақами, уни реестрда рўйхатдан ўтказиш санаси;

2) ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзосини аниқлашга имкон берадиган маълумотлар:

а) фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилган санаси ва жойи, паспорт маълумотлари, алоқа телефон рақамлари, почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (жисмоний шахс учун);

б) фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилган санаси ва жойи, паспорт маълумотлари, алоқа телефон рақамлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш, амалга ошириладиган фаолият жойи (якка тартибдаги тадбиркор учун);

в) тўлиқ ва (агар мавжуд бўлса) қисқартирилган исм, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ёзувнинг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, юридик шахснинг жойлашган жойи, алоқа телефонлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юридик шахснинг ягона ижро этувчи органи сифатида ишлайдиган шахснинг (ёки) юридик шахснинг коллегиал ижроия органи раҳбари; исми, отасининг исми ва фамилияси;

